

1 сонли олди-сотди шартномаси

Зафаробод т

“ 03” феврал 2022 йил

“Зафаробод Барака Чашма” ф/х (кейинги ўринларда – “Сотувчи”) низоми асосида иш олиб боровчи номидан Х.Аскарров орқали бир томондан ва Зафаробод Мактабгача таълим бўлими (кейинги ўринларда–“ Харидор”) низоми асосида иш олиб боровчи номидан У.Жангиров орқали иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1 “Сотувчи” ўзига тегишли молк-мулкни “Харидор”нинг мулки килиб беради, “Харидор” эса молк-мулкнинг ҳақи тўлангандан кейин олиш ҳуқуқига эга бўлади.  
Молк-мулк тўғрисида маълумот:

T/P	Маҳсулот номи	Фойдаланиш кафолат муддати (йил, ой, кун)	Ўлчов бирлиги	Сони	Қиймати	Суммаси
1	Сут маҳсулоти		литр	1000	6000	6000000
	Жами:					6000000

2. Шартнома нархи (қиймати)

- 2.1 Шартнома баҳоси 6000000 (олти миллион) сўми ташкил қилади.
- 2.2 Молия Вазирлигининг белгиланган энг юкори меъёрий нархдан ошмаган ҳолда тузилади.

3. Тўлов шартлари

- 3.1 Ушбу шартнома бўйича тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

- 4.1 Харидор томонидан шартнома умумий қийматининг олдиндан 30 % туловни амалга оширади, қолган 70 % и маҳсулотни олган кундан бошлаб 10 кун ичида ҳисоб фактурага асосан тўлаб берилади.
- 4.2 Харидор Сотувчининг ҳисоб рақамига бунақ утказилгандан сўнг, сотувчи харидорга молк-мулкни 2 кун вақт ичида бериши шарт.
- 4.3 Мазкур шартнома Ғазначилик органларида рўйхатга олингандан кейин кучга киради ва 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

5. Тарафларнинг мажбуриятлари

Сотувчи мажбурияти:

5.1 Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида “Харидор” мол-мулкни бериш;

5.2 Тегишли даражада сифатсиз маҳсулот юборилганлиги тўғрисида хабарнома олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 2 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

Харидор мажбурияти:

5.3 Маҳсулотни олиб ҳисобварақ-фактура тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида маҳсулотни сотувчи томонидан етказиб берилади.

5.4 Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида сотувчини огохлантириш.

5.5 Молк-мулк баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

#### 6.Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1 Сотувчи молк-мулкни тўлиқ етказиб бермаганлиги учун Харидорга етказиб берилмаган ҳар бир кун учун мол-мулк баҳосининг 0.5 %и миқдорида пеня тўлайди, лекин бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган мол-мулк баҳосининг 50 % идан ошиб кетмаслиги зарур.

6.2 Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни Сотувчи олувчига сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосининг 20 %и миқдорида жарима тўлайди.

6.3 Молк-мулк учун сотиб олувчи ўз вақтида тўламаганлиги учун сотиб олувчи сотувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0.4 %и миқдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган миқдорида пеня тулайди.

6.4 Неустойка (жарима, пеня) тўлаганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди.

#### 7.Форс-мажор ҳолатлари

7.1 Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимираши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

7.2 Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

7.3 Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой ўзлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

#### 8.Низони ҳал қилиш тартиби

8.1 Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди орқали ҳал қилинади.

#### 9.Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

9.1 Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейин Ҳазначилик органларида рўйхатга олинганда юридик кучга эга.

9.2 Шартномани тарафларни нг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

#### 10.Бошқа шартлар

10.1 Ушбу шартнома тарафлардан ҳар бири учун ҳақиқий, бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилиди.

Шартномага илова: гувоҳнома

#### Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

##### «Ижро қилувчи»

Етказиб берувчи: «Зафаробод Барака Чашма» ф/х

Манзил: Зафаробод туман Самарқанд ҚФЙ

Телефон +99899-552-74-97

Ҳисоб-китоб ҳисобварақ рақами

20208000700244098001.

Зафаробод Халк банки филиали

МФО: 00686 СТИР: 302668693

ХТУТ: 21210

##### «Буюртмачи»

Ташкилот номи: Зафаробод МТБ

Манзил: Зафаробод шаҳарча

Тел.: \_\_\_\_\_

СТИР коди: 305151465

ОКОНХ: 92400

Буюртмачининг Ҳазна шахсий ҳисобварағи:

х/р100022860082257091100251014

Ягона Ҳазначилик ҳисобварағи (ЯҲХ):

23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк ББ ХККМ

МФО: 00014

ИНН рақами: 201122919

Раҳбар (директор): Х.Асқаров



Раҳбар (директор): У.Ж.Жангиров  
(Ф.И.Ш.)

(имзо)  
М.Ў.

